
Ўзбекистон туманидаги 4P-154 “Қўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 6 минг квадрат метр қисми жорий таъмирланмоқда (видео)
4P-154 “Қўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўли Ўзбекистон тумани иқтисодиёти ҳамда бошқа кўплаб соҳалар ривожига муҳим аҳамият касб этувчи, туманни кўплаб ҳудудлар билан боғловчи асосий йўл ҳисобланади.

Йўллар равонлигини таъминлаш мақсадида Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси томонидан айти кунларда мазкур автомобиль йўлининг Мевазор, Каримобод ва Даҳақанақир маҳаллаларидан ўтувчи 6000 квадрат метр қисми жорий таъмирланиб, асфальт қопламаси ётқизилмоқда.

Таъкидланишича, корхона балансидаги мазкур автомобиль йўлида келгусида ойларда ҳам таъмирлаш-созлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Батафсил: [видео](#)
2023-08-09 19:13:56